

## А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2024 йил июль ойининг 01 куни, жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон туман судининг очик сайёр суд мажлиси Каттақўрғон тумани “Мадраса” маҳалла фуқаролар йиғини биносида, раислик қилувчи судья И.А.Дониёров, судья ёрдамчиси Ф.С.Турсункуловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Каттақўрғон туман прокурори Ш.Рустамов, судланувчи Ш.Н.Махмудов ва унинг ҳимоячиси “Пайшанба ҳимоя” адвокатлик бюроси адвокати Ш.Маматов ҳамда жабрланувчи Ш.У.Шодмановаларнинг иштирокида,

Судланувчи: Махмудов Шухрат Нематович (Makhmudov Shuhrat Nematovich), 1984 йил 14 июнь куни Самарқанд вилояти, Каттақўрғон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилалик, 3 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Каттақўрғон тумани, “Мадраса” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли, “Р.Тилавов” кўчасида яшайди, иш бўйича унга нисбатан “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида”ги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 13.05.2024 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 1-қисми билан судланувчи Махмудов Шухрат Нематовичга оид №1-1404-2401/136-сонли жиноят ишини кўриб, қуйидагиларни,-

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Махмудов Шухрат Нематович, фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судининг 02.11.2018 йилдаги суд буйруғига асосан ундирувчи Шодманова Шоира Усаровнанинг фойдасига уч нафар вояга етмаган фарзандларининг моддий таъминоти учун ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/2 қисми миқдоридан алимент ундирилиши белгиланган бўлсада, 2018 йил ноябрь ойидан 2023 йил август ойига қадар бўлган жами 80.930.431 сўм алимент пулларидан бўлган қарздорликни тўлаб беришдан қасддан бўйин товлаб келганлиги учун 27.08.2023 йил куни жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТК 474-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилиб, унга тайинланган 15 сутка маъмурий қамоқ жазосини ўтаб чиқиб, бундан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, уч нафар вояга етмаган фарзандларининг моддий таъминоти учун 2023 йил август ойидан 2024 йил апрель ойига қадар бўлган даврлар учун ҳисобланган алимент пулларидан жами 17.827.411 сўм алимент пулларини тўлаб беришдан қасддан бўйин товлаб келган.



Суд, жабрланувчи Шодманова Шоира Усаровна ва судланувчи Махмудов Шухрат Нематовичларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқиб, судланувчи Махмудов Шухрат Нематовичнинг ярашувга розилигини аниқлаб, прокурор ва ҳимоячининг фикрларини эшитиб, куйидагиларга асосан жиноят ишини тугатиш лозим деб ҳисоблайди.

Суд мажлисида сўралган судланувчи Махмудов Шухрат Нематович ўзининг кўрсатувида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ўзи томонидан содир этилган жиноят ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят эканлигини, жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарларни қоплаганлигини, қилмишининг оқибатидан пушаймонлигини эътиборга олиб, ярашувга розилигини, уларнинг ярашувини тасдиқлаб, ўзига нисбатан бўлган жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида сўралган жабрланувчи Шодманова Шоира Усаровна ўзининг кўрсатувида, судланувчи Махмудов Шухрат Нематовичга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, у билан ўзаро ихтиёрий ярашганлигини, ҳеч қандай тазйиқ бўлмаганлигини, ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарларни судланувчи Махмудов Шухрат Нематовичнинг тўлиқ қоплаганлигини, шунингдек, у Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддаси талабини тўлиқ тушунганлигини, яъни ярашув тўғрисида берилган аризаси суд томонидан тасдиқланса, ўзи мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишлигини тушунганлигини, судланувчи билан ўрталаридаги ярашувни тасдиқлашликни билдириб баёнот берди.

Суд, судланувчи Махмудов Шухрат Нематовичнинг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини, муқаддам судланмаганлигини, жабрланувчининг унга нисбатан моддий ва маънавий даъвоси йўқлигини, жабрланувчи ҳамда судланувчининг ўзаро ярашганлиги ҳақида берган аризаларини, ярашув ихтиёрий эканлигини инobatга олиб, унинг жинoий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 66<sup>1</sup>-моддаси таъсир доирасига тушишлигини эътиборга олиб, судланувчи Махмудов Шухрат Нематовичнинг айблилик тўғрисидаги масаласини ҳал қилмай туриб жиноят ишини ҳаракатдан тугатишликни лозим деб ҳисоблайди.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 423, 583-586-моддаларини қўллаб, суд ажрим қилади:

#### А Ж Р И М:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 1-қисми билан судланувчи Махмудов Шухрат Нематович (Махмудов Shuhrat Nematovich)га нисбатан бўлган №1-1404-2401/136-сонли жиноят иши тарафлар ярашуви муносабати билан айблилик ҳақидаги масала ҳал

линмасдан тугатилсин.



Жабрланувчи Шодманова Шоира Усаровнага мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Судланувчи Махмудов Шуҳрат Нематовичга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида”ги тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Жиноят иши бўйича жабрланувчи Шодманова Шоира Усаровнага моддий зарар тўлиқ қопланганлиги инобатга олинсин.

Ажрим устидан тарафлар йигирма сутка муддат ичида Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья:

И.А.Дониёров



## ХУСУСИЙ АЖРИМ

(жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида)

2024 йил июль ойининг 01 куни, жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон туман судининг очиқ сайёр суд мажлиси Каттақўрғон тумани “Мадраса” маҳалла фуқаролар йиғини биносида, раислик қилувчи судья И.А.Дониёров, судья ёрдамчиси Ф.С.Турсункуловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Каттақўрғон туман прокурори Ш.Рустамов, судланувчи Ш.Н.Нематович ва унинг ҳимоячиси “Пайшанба ҳимоя” адвокатлик бюроси адвокати Ш.Маматов ҳамда жабрланувчи Ш.У.Шодмановаларнинг иштирокида,

Судланувчи: Махмудов Шухрат Нематович (Mahmudov Shuhrat Nematovich), 1984 йил 14 июнь куни Самарқанд вилояти, Каттақўрғон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилалик, 3 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Каттақўрғон тумани, “Мадраса” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли, “Р.Тилавов” кўчасида яшайди, иш бўйича унга нисбатан “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида”ги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 13.05.2024 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 1-қисми билан судланувчи Махмудов Шухрат Нематовичга оид №1-1404-2401/136-сонли жиноят ишини кўриб, қуйидагиларни,-

### А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Махмудов Шухрат Нематович, фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судининг 02.11.2018 йилдаги суд буйруғига асосан ундирувчи Шодманова Шоира Усаровнанинг фойдасига уч нафар вояга етмаган фарзандларининг моддий таъминоти учун ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/2 қисми миқдоридан алимент ундирилиши белгиланган бўлсада, 2018 йил ноябрь ойидан 2023 йил август ойига қадар бўлган жами 80.930.431 сўм алимент пулларидадан бўлган қарздорликни тўлаб беришдан қасддан бўйин товлаб келганлиги учун 27.08.2023 йил куни жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТК 47<sup>4</sup>-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилиб, унга тайинланган 15 сутка маъмурий қамоқ жазосини ўтаб чиқиб, бундан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, уч нафар вояга етмаган фарзандларининг моддий таъминоти учун 2023 йил август

идан 2024 йил апрель ойига қадар бўлган даврлар учун ҳисобланган



алимент пулларидан жами 17.827.411 сўм алимент пуллари тўлаб беришдан қасддан бўйин товлаб келган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан судланувчи Ш.Махмудовга оид жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатди.

Суд мажлисида аниқланишича, мазкур жиноят содир этилишига Каттақўрғон тумани “Мадраса” МФЙ масъул ходимлари томонидан вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш жиноятини олдини олиш борасида тегишли тарғибот-ташвиқот ишлари етарли даражада олиб борилмаганлиги, хусусан МФЙ томонидан тумандаги аҳолини бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда маҳалла ҳудудида яшовчи оиласидан ажрашган ҳеч-қаерда ишламайдиган фуқаролар моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган фарзандларини моддий таъминлашлари учун аввало иш билан таъминланмаганлиги ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун шарт-шароит яратиб берилмаганлиги ёхуд яраштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмаганлиги сабаб бўлган.

Юқоридагиларни инобатга олиб суд, ушбу жиноятни содир этиш сабабларини олдини олиш ва бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш мақсадида, Ўзбекистон Маҳалла уюшмалари Каттақўрғон тумани бўлими бошлиғи эътиборига, маҳалла фуқаролар йиғини мутасадди ходимлари томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тадбирларни белгилаб, уларни амалга ошириш чораларини кўриш лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 296,298-299,476-моддаларига амал қилиб, суд

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И :

1.Ушбу ажрим нусхаси Каттақўрғон тумани “Мадраса” маҳалла фуқаролар йиғини томонидан йўл қўйилган хато-камчиликларни бартараф этиш, олдини олиш ва тегишли чора-тадбирлар кўриш учун Ўзбекистон Маҳалла уюшмалари Каттақўрғон тумани бўлими бошлиғига юборилсин;

2.Мазкур хусусий ажрим кўриб чиқиладиган кун ҳақида иштирок этишлик учун ЖИБ Каттақўрғон туман судига ва ҳудудий сектор раҳбарига хабар қилинсин.

3.Мазкур хусусий ажрим бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар юзасидан бир ойлик муддатда ЖИБ Каттақўрғон туман судига ёзма равишда маълум қилинсин.

Раислик қилувчи судья:

И.Дониёров

